



Export of karakul sheepskins from the Bukhara Emirate to foreign countries in the late 19th and early 20th centuries

Fayzulla OCHILDIEV¹

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2025

Received in revised form

15 October 2025

Accepted 15 November 2025

Available online

05 December 2025

Keywords:

Bukhara,
Russia,
Europe,
cities,
foreign,
emirate,
karakul skin,
trade centers,
commerce,
export,
ruble,
bank,
firm,
trading houses.

ABSTRACT

This article examines the export of karakul skins from the Bukhara Emirate in the late nineteenth and early twentieth centuries. It documents the strong demand for karakul on Russian and European markets, noting sales at St. Petersburg auctions and at major fairs such as Nizhny Novgorod, Makaryev, and Lyon. The study also outlines the activities of Russian monopolistic firms, bank branches, and joint-stock partnerships that entered the emirate to purchase karakul, and surveys commercial operations conducted within the emirate by firms and trading houses from Germany, France, England and Italy.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss6-pp6-12>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг хорижий мамлакатларга қорақўл тери экспорти

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Бухоро,
Россия,
Европа,
хорижий,
амирлик,

Мақолада XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг хорижий мамлакатларга қорақўл терисини экспорт қилиш масаласи, қорақўл терилари Россия ва Европа бозорларида юқори баҳоланиб, Россиянинг Санкт-Петербург аукционларида, Нижний-Новгород, Макар

¹ Doctor of Historical Sciences, Professor, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek.
E-mail: fayzullaovichildiev@gmail.com

шаҳарлар,
қорақўл тери,
савдо марказлар,
савдо-сотиқ,
экспорт,
рубль,
банк,
фирма,
савдо уйлари.

ва Франциянинг Лион ярмаркаларида сотилишига доир маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Бухоро амирлигидан қорақўл терисини сотиб олиш учун Россиянинг турли монополистик фирма ва банк филиаллари, шерикчилик жамиятларининг кириб келиши ҳамда Германия, Франция, Англия, Италия каби давлатларнинг фирма ва савдо уйлари томонидан амирликда олиб борилган савдо фаолияти ёритилган.

Экспорт каракульских шкур из Бухарского эмирата в зарубежные страны в конце XIX – начале XX века

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Бухара,
Россия,
Европа,
города,
зарубежные,
эмират,
каракульская шкура,
торговые центры,
торговля,
экспорт,
рубль,
банк,
фирма,
торговые дома.

В статье анализируется вопрос экспорта каракульских шкур из Бухарского эмирата в зарубежные страны в конце XIX – начале XX века, а также сведения о том, что каракульские шкуры высоко ценились на рынках России и Европы продавались на аукционах Санкт-Петербурга, на Нижегородской и Макарьевской ярмарках, а также на Лионской ярмарке во Франции. Кроме того, освещается деятельность различных российских монополистических фирм, филиалов банков и товариществ, которые проникли в эмират с целью закупки каракульских шкур, а также торговая деятельность фирм и торговых домов таких государств, как Германия, Франция, Англия и Италия, осуществлявшаяся на территории эмирата.

КИРИШ

Бухоро амирлиги XIX асрда Ўрта Осиёдаги қудратли давлатлардан бири бўлиб, Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида (1860–1885 йй..) амирликда иқтисодий ривожланиш тезлашгани кузатилади. Мамлакатда янги суғориш иншоотлари, йўллар қурилиши, савдо марказлари, карвонсаройлар ва савдо мажмуаларининг барпо этилиши, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотиқнинг ривожланишига имкон яратилди. Тижорат ишларида машҳур бўлган амир Абдулаҳад даврида (1885–1910 йй.) Бухоро, Қарши, Кармана, Нурота, Хатирчи, Термиз, Ҳисор, Душанбе, Денов, Шаҳрисабз, Шеробод, Китоб, Ғузор каби шаҳарларда карвонсаройлар бунёд этилиб, бу шаҳарлар йирик савдо марказларига айланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

XX аср бошларида Бухоро амирлигида яшовчи аҳолининг асосий машғулотларидан бири чорвачилик ҳисобланиб, қорақўлчилик муҳим даромад манбаи саналган. Амирликда етиштирилган қорақўл терилари Россия ва Европа бозорларида юқори баҳоланиб, Россиянинг Санкт-Петербург аукционларида, Нижний-Новгород, Макар ва Франциянинг Лион ярмаркаларида сотилган. Бухоро амирлиги қорақўл терисини етиштириш ва уни хориж давлатларига сотиш бўйича Ўрта Осиёда етакчилик қилган. Амирликда қорақўл қўйлари Бухоро, Қарши, Карки ҳудудларида кўпроқ боқиб келинган. Бу ҳудудларда асосан қорақўл қўйлари боқиш билан кичик турдаги тадбиркорлар шуғулланишган. Қорақўл териларини тўплаш ва хорижга чиқариш ишларини эса йирик тадбиркорлар амалга оширган [1].

Хорижий мамлакатларга чиқарилган қорақўл териси навлари ичида Қарши беклигида етиштирилган кўкиш кулранг навли тери алоҳида ўрин тутган. Қорақўл терисининг доадор, карпак (муддатида аввал туғилган кўзилар териси) навлари жуда машҳур бўлиб, улар Россия, Англия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Эронга кўп сотилган. Маълумотларга кўра, 1840–1850 йилларда амирликдан Оренбург йўли орқали 427797 дона, Троицкий орқали 60583 дона қорақўл териси Россияга экспорт қилинган. Бухоро қорақўл терилари рус бозорларидан ташқари, Кавказ, Эрон, Америка ва Европа давлатларида ҳам харидоргир бўлган. Нижний-Новгород ярмаркаси қорақўл терисини сотиш бўйича жаҳонда етакчи ўринда бўлиб, савдо мавсумида терининг нархи 35 фоизгача қимматлашган [2].

Бухоро шаҳрида 3 та карвонсаройда: Саройи пўст, Саройи барра, Саройи урганжида асосан қорақўл тери савдоси олиб борилган. Саройи пўстда мавсум давомида ўзига хос қорақўл биржаси бўлиб, у ерда тери савдоси билан шуғулланувчи савдогар-воситачилар йиғилган. Харид қилинган терини ошлаш учун махсус уйларда ишлов берилган. Четга олиб чиқилган маҳсулотлар катта фойда келтирган. Натижада айрим савдогарлар тери баҳосини талабга қараб ошириб боришган.

1890 йилларда амирликдан Европага экспорт қилинган қорақўл терисининг 75 фоизи Париж, Лондон, Лейпциг, Нью-Йорк шаҳарлари ва Канада давлати савдо фирмаларига сотилган. Қорақўл терисини Лейпциг шаҳрига етказишда немис фирмаларининг ўрни катта бўлган. Бухоро амирлигида ёғ заводларида ишлаб чиқарилган кунжаранинг деярли барчаси Германия давлатига экспорт қилинган[3]. Бухоро амирлигида яшовчи тадбиркор ва савдогарлар Европанинг Лион, Париж (Франция), Берлин, Лейпциг (Германия), Лондон (Англия) каби машҳур шаҳарларидаги савдо ярмаркаларида ҳам фаол иштирок этиб келган [4].

Бу даврда Лейпциг шаҳри жаҳон миқёсидаги терига ишлов бериш марказларидан бирига айланди. Гергард ва Гей немис фирмаси Бухоро амирлигида асосан қорақўл тери савдоси билан шуғулланиб, савдогарларга қарз бериш ҳам унинг фаолият турига кирган [5]. Луй Зальм (рус фуқаролигини қабул қилган) Бухоро амирлигида Европа давлатларига тери, жун, пахта каби маҳсулотларни жўнатиш билан машҳур бўлган [6]. Шунингдек, Бухоро амирлигида Германиянинг “Дюршмидт” фирмаси қорақўл териси ва пахта савдоси билан шуғулланиб келган [7].

1890 йилларда амирлик фуқароси Жўрабек карвонбоши, Мирзабой Отажонов, Зиёдулла Ёқубовлар воситачилигида қорақўл терининг 75% ни Париж, Лондон, Лейпциг, Нью-Йорк, Канада савдо фирмаларига сотган. 1892–1902 йиллар давомида эса Ғарбий Европа бозорларида ҳар йили 1.400 минг 2 млн. дона атрофида қорақўл тери сотилган. Бу ҳолат рус ҳукумати ва савдогарларини йирик даромаддан маҳрум қилган. Лейпцигдаги рус консули Бухоро қорақўлининг Ғарбий Европа бозорларига чиқиш йўлини тўсиш учун амирлик савдогарлари қорақўл терини фақат рус савдогарларига сотиши, хорижликларга сотмаслиги, мол сотилган тақдирда эса сотувчи ва олувчининг бўйнига катта бож юклашни кўзда тутган таклифини амалга оширган. Лекин бу тадбир ҳам ўзини тўлиқ оқламаган. Масалан, 1896 йилда бухоролик савдогар Насриддинбой Ёқуббой ўғли қорақўл терисини Нижний-Новгород ярмаркасига олиб бориб сотганида 60 минг рубл фойда олган [8].

XX аср бошларида (1903–1905 йй.) Москва ва Нижний Новгород шаҳарларига Бухородан йирик миқдорда, яъни 5200 той қорақўл териси олиб кирилган. Бу териларнинг умумий қиймати 7 млн рублни ташкил қилиб, биржаларда сотилмай туриб қолган. Натижада амирликда қорақўл терисининг нархи тушиб 3 фоизга арзонлашган. Москва ва Нижний Новгород шаҳарларида қорақўл териларининг нархи қиммат бўлгани учун Париж савдо уйи ва бошқа фирма вакиллари Бухоро амирлигидан қорақўл териларини сотиб ола бошлаган. Улар Бухородан 10 дона қорақўл терисини 5 рублдан, Москвадагига нисбатан 10 фоиз арзонга сотиб олишган. Бухородаги Revillon Franches, Бюдло, Бло, Забея каби фирма ва савдо уйи вакиллари Бухоро, Қарши ва бошқа бозорлардан биринчи қўлдан қорақўл терисини харид қилиш билан ҳам шуғулланган[9].

1907 йили инглиз савдогарлари Бухоро қорақўлининг ҳар бир донасига жойида 98–104 рублдан, юқори навлисига 115–120 рублдан, қорақўл майда бўлаклари навига қараб 52–63 рублдан 65–75 рублгача пул тўлаб, улгуржи сотиб олган. Россия савдогарлари қорақўл терисини инглизларга нисбатан паст баҳолаб, донасига 92 рублдан тўлаганлар [10]. Бухоро амирининг савдогарлари Европа ва Осиёнинг қатор йирик шаҳарларида қорақўл териси билан савдо қилишган. Каттақўрғон, Хўжанд каби ҳудудларда етиштирилган қорақўл терилари Бухорода тайёрланган териларга нисбатан паст баҳода нархланиб, 85-88 рубль атрофида бўлган. Амирликда қорақўл терисига хориж мамлакатларининг талаби ортганлиги сабабли унинг нархи ҳам ошиб борган.

1908 йилда биргина Нижний-Новгород ярмаркасида 1 млн 700 минг дона қорақўл тери сотилган бўлиб, ярми Россия фирмалари ва маҳаллий аҳоли томонидан, қолган ярми эса чет эл фирмалари ҳиссасига тўғри келган. [11] 1909 йили Россия ярмаркаларида қорақўл баҳоси 110–130 рублгача кўтарилган [12]. Бунинг натижасида 1909 йили Бухорога Лейпцигдан қорақўл савдоси билан шуғулланувчи йирик фирма эгаси жаноб Торрер келади. Фирма вакиллари Нижний-Новгород ярмаркасини четлаб ўтиб, Бухородан қорақўл териларини сотиб ола бошлайди. 1909 йили мазкур фирма Бухородан 200 минг дона қорақўл терисини сотиб олган [13]

Биринчи жаҳон урушига қадар қорақўлчилик, ипак ва жун маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳалари йилдан-йилга ўсиб борган. Бухоро амирлигидан Россияга мустамлака даврининг дастлабки йилларида 30000–40000 дона қорақўл тери чиқарилган бўлса, 1914 йилга келиб бу нисбат 1.800000 донани ташкил қилган. Пахта ва қорақўл терининг 80 фоизи Россияга экспорт қилинган [14]. XX аср бошларига келиб, Бухоро қорақўлинин Европа бозорларига чиқарилиши ҳажми 75% дан 50% га тушиб кетди. Эндиликда терилар йирик миқдорда Россияга чиқарила бошлади. Амирликдан Россияга экспорт қилинган қорақўл терисининг салмоғи 42% га кўтарилган [15]

XX аср бошларига келиб, Бухоро амирлигида Россия империясининг давлат ва тижорат банки бўлимлари очила бошланди. Бу банк бўлимлари ҳам амирликдан қорақўл терисини сотиб олиш билан ҳам шуғуллана бошлади. Амирликда “Рус-Осиё банки” амалга оширган ишларнинг ҳажми ва доираси жиҳатидан бошқа тижорат банкларидан устун турарди. У амирликнинг барча йирик шаҳарлари – Бухоро, Қарши, Чоржуйда ўз бўлимларига эга эди. Рус-Осиё банки асосан пахта ва қорақўл териси савдоси билан шуғулланиб келган. Қорақўл терисининг 32 хил

нави мавжуд бўлиб, териларнинг навига қараб нархи ошиб борган[16]. Масалан, 1910 йилда банк томонидан 329 482 рубллик қорақўл териси, 126649 рубллик пахта сотиб олинган. Шу йили амирликдан харид қилинган савдо молларининг умумий баҳоси 5 млн 580 352 рублни ташкил этиб, 1909 йилга нисбатан 364443 рублга қўпроқ эди [17].

Бу банкнинг асосий мижозлари қорақўл савдоси билан шуғулланувчи Жўрабек Арабов, Убайдулла Хўжа Қосимхўжаев ва Бухоро амири ҳисобланган. Шунингдек, маҳаллий ва хориж савдогарларидан П.З. Берилянда, А.Н. Энгальчев, А.Х. Козакова, В.И. Льва, М.И. Мухуддинов, Ҳожи Абдунаби Ёқуббоев, Мир Неъматулла Мир Солихов, М.Г. Флакман, Мирзо Наим Абдурахмонов, савдо уйлари аъзоларидан И.И. Поляк ва В.И. Лев кабилар банкнинг асосий мижозлари саналган [18].

1911 йил Бухорода Азов–Дон банкининг бўлими (филиали) очилди [19]. Банк асосан Россия ва Бухоро ўртасида тўқимачилик саноатини ривожлантиришга хизмат қилди. Шу йили Мансуров 20 вагон пахтани Азов-Дон банкига сотган, банк эса ушбу пахтани Москвадаги Н.Н. Коншин фабрикасига юборади [20]. Шунингдек бу банкнинг Бухорода 51 та қорақўл териси етказиб берувчи бўлимлари ҳам мавжуд эди [21].

1912 йилдан Бухорода Сибирь савдо банкининг бўлими ҳам фаолият юрита бошлади. Бу банк Бухоро амирлигида пахта ва қорақўл савдоси билан шуғулланувчи фирмаларни кредит билан таъминлаб келди [22]. Сибирь савдо банки 1912 йил 1 февралдан 1913 йил 1 сентябргача Бухоро бўлимига 4 млн 500 минг рубль маблағ ажратди. 1912 йилда пахта савдоси учун 1 млн 800 минг рубль, қорақўл териси харидига эса 2 млн 200 минг рубль ссуда берди [23].

Қорақўл терисини хориж давлатларига экспорт қилишда маҳаллий савдогарларнинг ҳам ўрни муҳим саналган. Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори Амир Саид Олимхон 1914 йилда 13500 дона қорақўл терисини Англияга юборган. Шунингдек маҳаллий савдогарлардан ака-ука Жўрабек ва Миркалон Арабовлар Бухоро амирлигида қорақўл терисини сотиш бўйича биринчи ўринда турган [24]. 1912 йилда Жўрабек Арабоев 72578 дона, 1913 йилда эса 151937 дона қорақўл терисининг донасини 14 рублдан сотиб, жами 2114518 рубль фойда кўрган [25]. Латифхўжа, Убайдуллахўжа ва Саидхўжа Қосимхўжаевлар эса қорақўл терисини сотиш бўйича амирликда иккинчи ўринни эгаллаган. Бухоро амири Абдулаҳад ҳам қорақўл терисини сотишда етакчи ҳисобланиб, у бу борада амирликда учинчи ўринда турган [26].

ХУЛОСА

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ҳам Бухоро амирлиги қорақўл терисини етиштириш ва уни хориж давлатларига сотиш бўйича Ўрта Осиёда етакчилик қилиб келди. Амирликдан қорақўл терисини сотиб олиш учун Россиянинг турли монополистик фирма ва банк филиаллари, шерикчилик жамиятларининг кириб келиши тезлашди. Россия банк бўлимлари, фирма ва савдо уйлари асосан савдо-сотик билан шуғулланди. Амирликда савдони ўз қўлида ушлаб туриш мақсадида давлат ва хусусий банклар пахта ва қорақўл терисини сотиб олиш билан шуғулланувчи йирик фирма ва савдогарларни маблағ билан таъминлаб келди.

Бу даврда Бухоро амирлиги Европа давлатлари билан ҳам савдо алоқаларини амалга оширди. Амирликда Германия, Франция, Англия ва Италия давлатларининг фирма ва савдо уйлари фаолият олиб борди. Европа фирма вакилларининг амирликда қоракўл териси ва жун савдоси билан шуғулланиши Бухоро ва рус фирмаларига кучли рақобатни келтириб чиқарган. Европа фирмаларининг қоракўл териси ва жунни тўғридан-тўғри амирликдан сотиб олиши Россия шаҳарларида Бухородан олиб борилган қоракўл териси ва жун нархининг тушиб кетишига сабаб бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Васин Б.Н. и др. Руководство по каракулеводству. Москва: Колос, 1971. – С.65.
2. Қудратов Ш.Ё. XIX аср охири- XX аср бошларида Бухоро амирлигида савдо алоқалари ва тадбиркорлик тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган Диссертацияси. Бухоро. 2022. Б – 69-73.
3. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. -Т.: ЦСУ Туркеспублики, 1922. – С. 21.
4. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Европа давлатлари билан олиб олиб борган савдо муносабатлари. ЎзМУ хабарлари. 2022. 1/8/1. – Б. 34.
5. ЎзМА, И 3-жамғарма, 1-рўйхат, 648-иш, 3-7-варақ.
6. ЎзМА, И 3-жамғарма, 1-рўйхат, 317-иш, 2-варақ.
7. Хотамов Н.Б. Роль банковского капитала в социально-экономическом развитии Средней Азии (нач, 90- годов. XIX в нач 1917 г.). – Душанбе, 1990. – С. 250.
8. Сухарева О.А. Бухара XIX – начала XX вв. – М., 1966. – С. 244.
9. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент, “FIRDAVS-SHON” 2022. – Б.331.
10. Каракул // Туркестанский сборник. Том. 434. – С. 92-95.
11. Шимоновский В. В. Москве перед ярмаркой // Туркестанский сборник. Том. 505.
12. Каракульевая овца и разведение в Средней Европе // Туркестанский сборник. Том 468. – С. 98-105.
13. Шимоновский В. В. Москве перед ярмаркой // Туркестанский сборник. Том 505. – С. 43-48.
14. Алимов И. Аграрные преобразование в Народных Советских Республиках Хорезма и Бухары (1920 – 1924гг). Ташкент: Узбекистан, 1970. – С. 9.
15. Қудратов Ш.Ё. XIX аср охири- XX аср бошларида Бухоро амирлигида савдо алоқалари ва тадбиркорлик тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган Диссертацияси. Бухоро. 2022. Б – 75.
16. Отчет инспектора (Б. Лукодянова и Ф. Тальма) Банка о ревизии деятельности Бухарского отделения на 12 февраля 1916 г. – С. 1.
17. Очилдиев, Ф. (2021). Деятельность российских фирм и банков в Бухарском эмирате конец XIX начало XX веков. Общество и инновации, 2(10/S), 421-429.
18. Алимджанов Б.А. История деятельности Бухарского отделения Русско-Азиатского коммерческого банка // Вестник СПбГУ. История. 2018. Т. 63. Вып. 2. – С.608.
19. Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская республика. –Ташкент, 1969. – С. 81.

20. ЎзМА, И 99- жамғарма, 1-рўйхат, 84 иш, 60-61 varaқ.
21. Хотамов Н.Б. Роль банковского капитала в социально-экономическом развитии Средней Азии (нач, 90- годов. XIX в нач 1917 г.). – Душанбе, 1990. – С. 313.
22. Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская республика. –Ташкент, 1969. – С. 81.
23. ЎзМА, И 3-жамғарма, 1-рўйхат, 563- иш, 8- varaқ.
24. Искандаров Б.И. Из истории Бухарского эмирата. – М., 1958. – С. 63.
25. Хотамов Н.Б. Роль банковского капитала в социально-экономическом развитии Средней Азии (нач, 90- годов. XIX в нач 1917 г.). – Душанбе, 1990. – С. 164.
26. Искандаров Б.И. Из истории Бухарского эмирата. – М., 1958. – С. 63.
27. Очилдиев, Ф. Б. (2024). XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ–XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚИЙ БУХОРОДА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ. Science and innovation, 3(Special Issue 3), 756-763.
28. Ochildiyev, F. (2019). TRADE RELATIONS BETWEEN BUKHARA AND RUSSIA IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. Social Sciences: Achievements and Prospects Journal, 3(11), 2019.